

БУЮК СИЁСАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг қарорига мувофиқ, Ислом Каримов вафот этган 2 сентябрь санаси Хотира куни сифатида белгиланган. Бу кунда жамоатчилик йиғилиб, Биринчи Президентимизни ёд этиш эзгу анъанага айланган.



Давлатимиз раҳбари 2 сентябрь куни Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрди. Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Қуръон тиловат қилинди. Утганларни яхшиликлари билан эслаш — эзгу фазилат. Аждодлар ҳурматини жойига қўйган инсоннинг ўзи ҳам ҳурматга лойиқ. Шавкат Мирзиёев истиқлолимизнинг 30 йиллик

байрамига бағишланган тантанали маросимда Ислом Каримов Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида давлатимизни бошқарганини таъкидлади. Ушбу хотира тадбири ҳам халқимизнинг



Биринчи Президентга ҳурмати ифодасидир. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, пой-

тахт жамоатчилиги вакиллари ҳам иштирок этди. Ислом Каримовнинг Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйилди.

ЎзА.

ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ

Пойтахтимизда Ислом тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 46-йиллик йиғилиши бўлиб ўтмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 сентябрь куни ушбу анжуманга ташриф буюрди. Тадбир аввалида Қуръони карим оятларидан тилловат қилинди. Давлатимиз раҳбари меҳмонларни қутлаб, Ўзбекистоннинг мазкур банк билан ҳамкорлиги, истиқболдаги муҳим масалалар ҳақида нутқ сўзлади. — Банкнинг йиллик анжумани Тошкентда ўткази-

лиши ўзига хос рамзий маънога эга. Биз буни Ўзбекистоннинг ислом дунёси ривожига қўшган ҳиссаси, шунингдек, мамлакатда сўнгги беш йил давомида олиб борилаётган илмий-ислохотларнинг эътирофи, деб ҳисоблаймиз, — деди давлатимиз раҳбари. Маълумки, Ислом тараққиёт банки гуруҳи 1973 йил ташкил топган. Бош қароргоҳи Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган. Бугунги кунда банкка 57 та давлат аъзо бўлиб, устав

жамғармаси 150 миллиард долларга тенг. Банкнинг асосий фаолияти иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида йирик инфратузилма ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришдан иборат. ИТБнинг Бошқарув кенгаши асосий орган бўлиб, бир йил Жидда шаҳрида ва кейинги йил эса аъзо давлатларнинг бири ҳудудида ўтказилади. Банк Бошқарувчилар кенгашининг 2021 йилдаги



йиллик анжумани 2-4 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтмоқда. Унда иштирок этиш учун ИТБ гуруҳига қирувчи мамлакатлардан вазирлар ва юқори лавозимли шахслар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, 2 мингдан ортиқ йирик бизнес вакиллари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари Ўзбекистонга келган. Анжуманда COVID-19 пандемиясидан сўнг ИТБга аъзо мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий барқарор-

лиқни таъминлаш масалаларини муҳокама қилиш қўзда тутилган. Бундан ташқари, саммит доирасида иқтисодиёт, барқарор ривожланиш, соғлиқни сақлаш, аъзо давлатларда илм-фан, технологиялар ва инновациялар экотизимини қўллаб-қувватлаш, ислом молияси мавзуларида шўба мажлислари, қатор учрашувлар ўтказилади.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 сентябрь куни Тошкент шаҳрида ўтаётган Ислом тараққиёт банки (ИТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 46-йиллик йиғилиши доирасида мамлакатимизда бўлиб турган Ислом тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон Ал-Жассирни қабул қилди.

Учрашув аввалида ИТБ президенти давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқини мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий қутлаб, бардавом тараққиёт, фаровонлик ва равақ тилади. Пандемия бошланганидан буён илк бор Банкнинг энг муҳим тадбири шу кунларда пойтахтимизда жонли равишда ўтказилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

➡ 2

ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ МАМЛАКАТИМИЗ ЕТАКЧИСИ ВА БАРЧА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

1 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сухбат аввалида Туркия раҳбари давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқини юртимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий қутлади. Дўст Туркия халқи номидан Ўзбекистонга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тилакларини изҳор этди. Президентлар икки томонлама ҳамкорлик кун тартиби юзасидан фикр алмашди. Жорий йил бошидан ўзаро

савдо қўрсаткичлари икки баробар ўсгани ва 240 дан ортиқ қўшма корхоналар ташкил этилгани мамнуният билан қайд этилди. Мамлакатларимиз етакчи компанияларининг кооперацияси кучайиб бормоқда, жумладан, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, туризм ва бошқа соҳаларда муҳим инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

➡ 2

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА БАА ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 сентябрь куни Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан телефон орқали мулоқот қилди.

Амирликлар Вице-президенти давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқини мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий қутлаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик, катта муваффақиятлар ва равақ тилади. Икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди, 2019 йил март ойида Бирлашган Араб

Амирликлари олий даражадаги таширф яқунлари бўйича эришилган қилишувларнинг бажарилиши ҳолати қўриб чиқилди. Савдо-иқтисодий, инвестициявий, энергетика, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги амалий ҳамкорликнинг натижалари мамнуният билан қайд этилди.

➡ 2

Ифтихор

УШАЛГАН ОРЗУЛАР САОДАТИ

Ватанимиз мустақиллиги байрами... Шу кунларда шаҳару қишлоқлар, маҳалла овуллари ажиб гўзаллик касб этган. Турли-туман ёрқин рангларга бой бўлган фасл хонатлас каби кўзни қувонтиради. Кенг далалар, меҳнаткаш деҳқоннинг қадоқ қўллари билан ишлов берилган боғлар, саришталанган кўчаю хиёбонлар — барчаси дилга яқин бир манзара ҳосил қилган. Ватандошларимизнинг кайфияти аъло. Бир-бирини қутлашар экан, атрофда рўй бераётган янгиликлардан, ўз оиласи, меҳнат жамоаси ва мамлакат миқёсидаги муваффақиятлардан тўлиб-тошиб сўзлайди. Нигоҳларида фахрийтихор тўйғуси ва келажакка ишонч сезилиб турибди. Ҳаётдан мамнуслик ҳисси юз-кўзларида акс этмоқда.

➡ 3

УШАЛГАН ОРЗУЛАР САОДАТИ

Ха, ўзбекистонликлар бу байрамни жуда яхши кўришади, уни интиқиб қўтишади. Бу йил эса, юбилей арафасида ҳаяжон янада ортган. Мустақиллик шарофати билан кўлга киритилган улкан ютуқлар, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий қадриятлари мисолида халқимиз босиб ўтилган йўлга баҳо бермоқда. Асосийси, ҳар биримиз атрофдаги янгилишни жараёнларига дахлдорлик ҳиссидан мамнун ҳолда, жонажон Ватан истиқболи учун масъулиятни англаб етмоқдамиз.

Халқимиз қалбидagi хуррият сари эзгу интилишни ҳеч қандай босқин, зулм ва зўравонликлар йўқота олмади. Бунга кўхна тарихимизнинг ўзи гувоҳ.
1991 йил 31 август куни мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирida туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк тарихий воқеа юз берди. Неча юз йиллар давомида келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, ҳамиша сабр-матонат билан яшаган халқимиз улғур орзусига эришди — ўзининг давлат мустақиллигини кўлга киритди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан

Мамлакатимизда юз бераётган мислсиз ўзгаришлар, халқимиз кўлга киритаётган улкан ютуқлар Президентимизнинг Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқидa ҳам ўз аксини топди. Унда келтирилган фактлар, ҳаётий мисоллар, эзгу ташаббуслар барчамизга кўтаринки руҳ бахш этди, янги марралар сари илҳомлантирди.

Соат ҳам бошқача юргандай...

Журналистик фаолияти турли ёшдаги, турли касб эгалари билан мулоқотда бўлишни тақозо этади. Ўйюлларда, катта-катта корхонау хўжаликларда бўлар эканмиз, қизқарли суҳбатдошларнинг ҳикояларидан илҳом оламиз. Бундай жонли учрашувлардан маълумки, кейинги беш йилда мамлакатимиз ҳаёти янада эркин ва фаровон, мазмунга бой бўлди. Ислохотлар, давлатимиз ғамхўрлиги туфайли одамларда қониқиш ҳисси кучайди, янги-янги зафарларга эришиш имконияти пайдо бўлди.

Чиндан ҳам шундай. Кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бутун халқимиз томонидан янги Ўзбекистон бунёд этилмоқда.

Мамлакат етакчилигининг сўзлари билан айтадиган бўлсак, бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган “Янги Ўзбекистон” ғояси замирида ана шундай улғуғ ақдоқларимиз, умуман олганда, миллий тарихимизда биринчи ва иккинчи Ўйғончи даврларига асос солган аллома болаларимизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам муқассам.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим Ўйғониш жараёни кечмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Хорижий газеталарни varaқлаб, халқаро веб-нашрларни ўқир экансиз шунчи ҳис қиласизки, мамлакатни қамраб олган ана шундай жараёнларнинг ноёблигини бутун дунё тан олмақда. Ахир ислохотларимиз шунчалик ёрқинки, уларни сезмаслик мумкин эмас. Республикаимиз гўё янгидан туйлди.

Германиянинг **“Thüringer Allgemeine”** нашрида ёзишларича: “Кейинги беш йилда Ўзбекистонда соат бошқача юрмаяпти”. Нашр ўқувчиларини эскича қарашларни нуқтаиға қаҳирмоқда. Уларга кўра, Буюк Ипақ йўлидаги Марказий Осиёнинг юрагиди қўйлашган, воҳа-шаҳарлару баланд миноралар, мақбаралар ва Шарқ бозорлари билан машхур бўлган Ўзбекистон илгари кўпгина немислар тасаввурида “Минг бир ечи”даги эртақлар мамлакатини эслатар экди.

— 35 миллионли аҳолиси бўлган, 1991 йили собик Совет Иттифоқидан мустақил давлат сифатида бўлиниб чиққан бу мамлакат бошқа Осиё давлатларидан фарқли равишда замонавий, дунёвий, демократик жамият қуриш йўлидан бормоқда, — деб ёзади муаллиф. — Чорак аср давомида республика амалда бошқалардан ажралиб қолган эди. Лекин Шавкат Мирзиёев ўз олдиға дадил мақсадларини қўймоқда. У мамлакатни халқаро ва минтақавий ҳамкорлиги учун кенг очмокчи, иқтисодиётни либераллаштириб, ижтимоий тизимни ислох қилмокчи.

Қиска вақт ичида давлат раҳбари ташаббуси билан барча янги, илгор ва инсонпарвар ғояларға “яшил чирок” берилди. Мустақиллик асосларини янада мустаҳкамлаш, халқнинг асрий қадриятларини тиклаш, Ватаннинг ижтимоий-иқтисодий ва мудофиа қудратини ошириш ишларига гувоҳ бўлмокдамиз. Германия нашрида қайд этилишича, айрим мамлакатларда қон тўкилиши, табиий офатлар, аҳолининг ҳуқумат ва ҳуқуқ-тартибот органлари билан тўқнашувлари кучайиб бораётган мураккаб бир шароитда Ўзбекис-

тонда инсонпарварлик сиёсати, давлат ва халқ бирлиги туфайли жамиятдаги барқарорлиқни сақлашға эришилмоқда.

Хитойнинг етакчи газетаси **“Жэньминь жибао”**да Ўзбекистон босиб ўтган уч ўнйиллик йўл таҳлил қилинар экан, шунға аҳамият қаратиладики, бу мамлакат Россия ва Шарқий Европа давлатлари амал қилаётган “Вашингтон консенсуси” ва “шок терапияси”дан қатъий воз кечди ҳамда ўзининг миллий шарт-шароитларини ҳисобға олувчи илгор ислохотларни амалға оширди ва шу орқали Ўзбекистоннинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожини учун институционал асос яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг рақобатдошлигини анча оширган улкан ислохотлар ва ажойиб ютуқлар унга нафақат ҳар томондан бўлаётган замонавий хатарларға самарали қарши туриш, балки янги глобаллашув натижасида юзаға келган имкониятлардан фойдаланиш учун шароит яратди, деб таъкидланади нашрда ва бу 2016 йил декабрда халқ Шавкат Мирзиёевни Президент этиб сайлагани билан боғланади.

— Ўзбекистон раҳбари ўз олдиға мамлакатни узок муаддатли ривожлантиришға бошчилик қилишдек энг асосий

вазифани, яъни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар соҳалардаги комплекс ислохотларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалға ошириш вазифасини қўйди, — дея таъкидланади газетда. — Ўзгаришларнинг асосий мазмун-моҳияти “Халқ манфаати барча нарасадан устун” ва “Давлат органлари халққа хизмат қилади” деган ибораларда ифодаланган.

Ўз навбатида, Корея Республикаси вакили — Моквен университети вице-президенти Ри Ик Хён Ўзбекистондаги ўзгаришларни жамият ҳаётининг барча жаҳасини ислох қилувчи, сиёсий, хуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий тизимларни ривожлантирувчи, маънавий юксалиш ва демократик қадриятларни қарор топтирувчи тизимли жараён, деб атади.

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг тезкор ислохотларидан хайратдаман, — дея хулоса қилади у.

Очиқлик ҳамма учун фойдали

Польшаллик ёзувчи, Нобель мукофоти лауреати Генрик Сенкевич ёзганидек, ҳамжиҳатлик туфайли кичик давлатлар ривожланади, низо сабабли эса, ҳатто буюк давлатлар ҳам ҳалокатға юз тутади.

Халқ ва ҳукумат бирлиги ҳар қандай мамлакат учун ниҳоятда муҳим. Ҳар қим ўз бурнидан нарини кўрмайдиган жойда эса, умумий мақсадға эришиб бўлмайди. Сўнгги беш йилда мамлакат раҳбари ташаббуси билан давлат ва халқ ўрта-сида доимий алоқа, жонли ва очик мулоқот ўрнатилди. Бу мулоқотнинг шакллари ҳар хил: мамлакат раҳбарияти ва идоралар, бошқарув органларининг электрон қабулхоналари шаклида — онлайн, шунингдек, сайёр қабуллар, уйма-уй юриш, суҳбат ва сўровлар шаклида — офлайн. Ҳокимият ва ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этиш учун ҳудудларни секторларға бўлиш амалиёти ҳам ўз самарадорлигини кўрсатди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг кўламли ислохотлар юртимизда янги даврни — янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди.
Бугун юртимизда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит пайдо бўлди, деб айтишға барча асосларимиз бор.

Халқро валюта жамғармаси ва нуфузли рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, ҳозирги қийин ва мураккаб шароитда Ўзбекистон жаҳоннинг санокли мамлакатлари қаторида молиявий-иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини тиклаш ва иқтисодий фаоллиқни оширишға эришиб келмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан

Бундай янгилик талабға мос бўлгани учун халқ томонидан қўллаб-қувватланди. Яқинда ўтказилган ижтимоий сўровда аҳолининг деярли 90 фоизи эътироф этишича, Халқ қабулхоналарининг йўлга қўйилиши, оддий фуқароларнинг қонун ҳужжатларини муҳофиза қилишға жалб этилиши, сиёсий партияларнинг роли ва улар ўрта-сидаги рақобат кучайиши туфайли аҳолининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги фаол иштироки сезиларли даражада ортиди.

Бундан ҳамма ютди: аниқроғи, жойлардаги вазият янгилашди, йўл қўйилган камчиликлар ҳам юзаға чикди. Одамларнинг муаммо ва эҳтиёжлари чуқурроқ ўрганила бошланди. Улар тезкорлик билан ҳал этилиб, рўёбға чиқарилаётган ислохотлар самараси, уларнинг манзиллилиги ва долзарблиги таъминланди. Одамларға яқин-



лашган давлат энди ўз ҳаётидаги ижобий ўзгаришларнинг муҳимлигини ҳис этувчи, мамлакатдаги бунёдкорлик жараёниға янада фаолроқ қўшилувчи янги авлодға эга бўлди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг янгича фаолияти туфайли муаммоларни ҳал этиш осонлашди. Сингапурнинг **“INDiplomacy”** нашрида ёзишларича, Ўзбекистон раҳбарияти ҳокимият органларининг фаолияти очик ва шаффоф бўлиши ҳамда сўз эркинлиги ислохотларининг самарадорлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ. Негаки, фуқаролар иш-тирокисиз кенг кўламли режа ва ташаббусларнинг рўёбға чиқарилишини назорат қилиш қийин. Шу босис Ўзбекистонда юри-тилаётган давлат органлари очиклиги ва сўз эркинлиги сиёсати нафақат одамларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари доирасида амалға оширилади, балки умуман, мамлакат ривожланиш даражасининг яхшиланishiға қаратилгандир.

— Фуқаролар ва ОАВнинг фаоллиги туфайли амалдорлар ўз қарорларини қайта кўриб чиқиши, қилишўвға эришилиш ҳамда мамлакат раҳбарияти даражасида ҳужжатлар қабул қилиниши каби ҳолатлар учрайди ва улар кам эмас, — деб ёзилади нашрда. — Шундай экан, ОАВ янги Ўзбекистоннинг очиклик сиёсатида мустаҳкам ўрин тутиши, шубҳасиздир.

Расмийчиликдан — инсонпарварликка

Ҳар қандай режа ва ғояда ўзининг сўнгги натижаси бўлиши керак. Хўш, кейинги беш йилда амалға оширилаётган янгилинишлар дастури фуқаролар ҳаётида қандай аниқ кўринишларда акс этаётми?

Биринчи галда, қисқа вақт ичида бутун республика бўйлаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, тураҳойлар бунёд этилди, инфратузилма яхшиланди. Юзлаб ижтимоий соҳа объектлари ишға туширилди. Иқтисодиётнинг барча тармоғи ва ижтимоий ҳаётда инновацион ёндашувлар, илгор технологиялар жорий этилди.

Аниқ натижаларға эришиш ва инсон манфаатларини таъминлаш Ўзбекистонда рўёбға чиқарилаётган демократик ислохотларнинг бош мақсади сифатида белгиланган, деб қайд этилади **“Trend”** ахборот агентлигининг таҳлилий материалида.

Озарбайжон ахборот агентлиги таъкидлаганидек, иқтисодий сиёсатда ёлғон рақамлар ортидан қувлиш, ҳаёлий режаларни ҳақиқий деб кўрсатишға уриниш каби номажбул усуллар танқидий қайта кўриб чиқилди. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан уй-жой таъминоти соҳасида янгича сиёсат йўлга қўйилди. Унга кўра, бюджет ташкилотлари ҳодимлари ва кам таъминланган оилаларнинг шу масалалда тўпланиб қолган муаммоларини ҳал этиш, бунинг учун эса янгилаган лойиҳалар асосида арзон тураҳойлар қуриш ва имтиёзли ипотека кредитлари бериш кўзда тутилди.

Қўшимча сифатида кейинги беш йиллиқнинг яна бир алоҳида фарқини келтирмасак бўлмайди: бундай қалайликлардан нафақат муайян даражада шароити бор фуқаролар, балки қайси ижтимоий тоифаға киришадан қатъи назар, ҳар қандай инсон фойдалана олади. Бунинг устиға, давлат дастури асосида қурилаётган уйлари, би-

ринчи навбатда, ижтимоий ҳимояға жуда муҳтож қатлам — бокувчасини йўқотган оилалар, ёлғиз оналар, имконияти чекланганлар, чин етимлар ва бошқаларға берилади.

Давлатимизнинг сифат жиҳатидан янги сиёсати бир ёрқин хусусиятға эга: инсон аввалгидек номига эмас, балки чинаками қадрлана бошланди, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари тўлароқ таъминланяпти. Сўнгги беш йиллиқнинг бу хусусиятини мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатиға бўлган муносабат тубдан ўзгаргани ҳам тасдиқлайди. Бизға аввалги тузумдан мерос бўлиб қолган меҳнатни ташкил қилишнинг бундай усули яқин-яқинча қўллаб муаммоларни энг кам ҳаражатлар билан ҳал этиш йўли сифатида қўлланилар эди. Ахир бутун мамлакат мижёсида ҳудудларни ободонлаштириш иш-



лари, пахта йиғим-терими ва бошқа кўп ҳаражат талаб қилувчи ишлар шу йўл билан бажарилар эди-да. Қандайдир беш йил ичида мамлакатда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатиға бутунлай барҳам берилиши, ушбу тартибни бузганлар эса қонун олдида жавобгарликка тортилиши, оммавий ишларни уюштириш механизмининг ўзи ҳам яхши томонға ўзгаришини тасаввур қилишнинг ўзи қийин эди.

2017 — 2020 йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси 18,3 фоизни ташкил этиб, ялли ички маҳсулот 60 миллиард долларға етди. Бу ҳақда табирида, ташки саудо айланмаси 2016 йилда 24 миллиард доллардан 2020 йилда 36 миллиард долларға кўпайганини таъкидлаш лозим. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 369 триллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 23,4 фоизға ўсди. Натижада саноат маҳсулотларининг ялли ички маҳсулотдаги улуши 19,5 фоиздан 27,4 фоизға кўтарилиди. Иқтисодий соҳани, жумладан, божхона тартибларини либераллаштириш туфайли 2020 йилда экспорт ҳажми 15,1 миллиард долларни ташкил қилиб, 2016 йилға нисбатан 25 фоизға ўсди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан

Нафақат меҳнатни ташкил этишнинг эскирган усуллари, балки қотиб қолган тафаккур билан ҳам янгича келажакка интилиб бўлмайди. Италиянинг **“Lo Spessore”** журналида ёзишларича, Ўзбекистон инновацион иқтисодий ислохотлар қизғин паллага кирган даврда ўтмишдаги шўролар тузуми қондаларидан бутунлай воз кечиб, янги, маърифатли бошқарувчилар сифини шакллантирмокчи, бу синф бозор ва хорижий давлатлар учун очик бўлиб, тарихини ва мамлакатнинг барҳаёт анъаналарини қандай сақлаб қолишни билади.

Журналда Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўйидаги сўзлари итальян тилиға таржима қилиб келтирилади: “Албатта, биз эски тизимни батамом ўзгартириб, ўз олдимизға қўйган мақсадға тўлиқ эришдик, деб айтишға ҳали эрта. Такрор айтман, биз ҳар қуни изланишдамиз. Бу йўлда дастлабки қадамларни қўймоқдамиз, ҳолос. Лекин “Бу ўзгаришлар — вақтинчалик кампания, ўтади-кетайди”, деганлар янгилашади. Бу — Президент ва унинг қомандаси узокни кўзлаб юрияётган прагматик халқчил сиёсатнинг энг устувор йўналишларидан бири ва уни халқимиз билан биргаликда албатта охиригача олиб борамиз, ҳеч қачон ортға қайтмаймиз”.

Қатъий қарорлар

Яқинда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати танкили сиёсатчи, иқтисодий, олим, журналист, ҳуқуқ ҳимоячилари ва бошқа жамоат арбобларидан иборат ўз нафар миллий ҳамда хорижий экспертлар орасида сўров ўтказиб, мамлакатимизда кейинги беш йилда амалға оширилган ва муҳим ўзгаришларға олиб келган энг самарали ташаббус ва ислохотларни аниқлади. Овоз бериш йўли билан 15 та энг муҳим, тарихий аҳамиятға эга ўзгаришлар рўйхати шакллантирилди.

Рўйхатнинг деярли учдан бир қисми иқтисодиётға тегишли ислохотлардир. Улар орасида валюта бозорининг либераллаштирилиши, нақд пул билан боғлиқ муаммоларнинг бартараф этилиши, ишбилармонлик муҳитининг яхшиланishi, бизнесни рўйхатдан ўтказиш ва бошқариш жараёнларининг соддалаштирилиши, камбағаллик ҳолатини тан олиш ва уни қисқартиришға нисбатан комплекс ёндашуви шакллантирилиш, коррупцияға қарши курашда ҳуқуқий ва институционал ўзгартришларни жорий этиш кабилар бор.

Дарҳақиқат, иқтисодиёт тармоқлари ва у билан боғлиқ ижтимоий ҳаётда муаммолар тўпланиб қолган эди. Президент ташаббуси билан уларни бартараф этиш бўйича қатъий қарорлар қабул қилинди.

Шавкат Мирзиёев Президент бўлиб сайланган дастлабки пайтдаёқ валюта конвертацияси бўйича ташаббус киритди. Ҳаётий мисол келтирадиган бўлсак, ўзбекистонлик тадбиркорлар “очикчасига валюта сотиб олиш”ни амалға ошириб бўлмайдиган ҳаракат, деб ҳисоблаганлари бор гап. Яқин-яқингача бу нарса



қўлларнинг “белини синдириб қўйгани” ҳам ҳақиқат. Ахир, четдан олиб келинган жиҳозлар ва бошқа ресурсларға тўловни амалға ошириш учун валюта керак. У эса — муомалада эмас. Биз хорижий валютани “гисанд қилмай” келдик ва иқтисодиётни сиёсийлаштириб, кўпгина соҳаларни “кўлсиз-оёқсиз” қилиб қўйдик. Доллар ёки евро олиш учун энг юқори идораларнинг алоҳида “рухсати” керак эди. Энг ёмони эса, шу “рухсат”ни бериш номаълум муддатта қўзилиб кетарди. Хориждаги етказиб берувчини бу масала қизиктирмасди ҳам, албатта. Маҳаллий харидор эса азобға қоларди, чунки шартномани бузганлик учун жарима-пеня қўлайиб бораверар эди. Бизнес — барибир бизнесда. Масала охир-оқибат ҳал бўлсаку, майлия. Базан умуман ҳал бўлмай қолар эди. Жарима микдори ошгандан ошиб кетар ва ниҳоят, лойиҳадан воз кечишға ҳам тўри келар эди. Чунки бу тадбиркорнинг чўнтағига қатта зарар. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инновациялар жорий этиш, замонавий жиҳозларни келтириш тадбиркор учун жуда катта таваккалчилик эди.

Энди бу муаммо ҳал этилди. У бундан буён тадбиркорларни бошқа қийнамайди ва уларнинг фаолиятида ижобий ўзгаришға олиб келди.

Улар бошчилик қилаётган корхоналарнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, махсулотлар тури кўнайиб, сифати яхшиланди. Ишлаб чиқариш салоҳияти ортиб бормоқда.

Ҳозирги замон воқеликларини ҳисобға олган ҳолда қонунчилик меъёларни такомиллаштирилиб, амалдорлар фаолиятиға қўйиладиган асосий талаб — очиклик ва шаффофлик бўлди. Коррупцияға қарши аёвсиз кураш эълон қилинди. Эркин яшаш ва самарали ишлашға ҳалақит берган, гўё кишан сингари оғир бюрократик тўсиқлар олиб ташланди.

Шу каби узокни кўзловчи қадамлар пандемия даврида ҳам қўл келди. **“Beijing Review”** хорижий нашрида хабар берилганидек, Ўзбекистон ўз ислохотлари ва иқтисодиётни тиклаш бўйича тезкор режалари туфайли 2020 йилда ЯИМнинг ижобий ўсишиға эришган санокли давлатлар қаторига кирди. ХХР да инглиз тилида чиқадиған ушбу журналнинг шарҳловчиси шунчи баъорат қиялптики, макроиқтисодий сиёсатни барқарорлаштириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш, ташки савдони фаоллаштириш, валюта бозорини очиш ва маъмурий тўсиқларни камайтириш туфайли 2021 йилда ҳам жадал ўсиш қутилимоқда.

БААнинг бизнес-нашри бўлган **“Gulf Business”** муаллифлари ҳам шу фикрда. Улар таъкидлашича: Ўзбекистон иқтисодиётини трансформация қилиш бўйича дадил стратегияни амалға оширишға киришиб, янги Ўзбекистон сари йўл олди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда айирбошлаш курслари унификация қилинди, ташки савдо либераллаштирилди, одамлар ва товарларнинг трансчегаравий ҳаракатиға берувчи маъмурий тўсиқлар олиб ташланди, банк сектори трансформация қилинди, солиққа тортишда катта ўзгаришлар бўлди ва давлатнинг аралашуви камайтирилди. Мазкур ислохотлар Ўзбекистоннинг келажиги ва глобал алоқаларни ўрнатиши учун улкан аҳамиятға эга, дейди нашр ва инвесторларни Ўзбекистонға эътибор қаратишға ҳақиради.

...Жонажон Ватанимиз ўз мустақиллигининг ўттиз йиллигини нишонлар экан, унинг бугунги шахди навақирон авлода хос бўлган ишжамат, янгиликка ўчлик ва бунёдкорлик қудрати билан тўла. Шубҳа йўқки, аҳоли томонидан қўллаб-қувватланаётган ўзгаришлар давом этади. Демак, олинда бизни янги ютуқ ва марралар кутмоқда.



Мамлакат умиди ва таянчи

Ҳаётимиздаги ўзгаришларни акс эттирувчи мисоллар талай. Уларни ҳар бир соҳада кўриш мумкин.

Дейлик, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси ортгани катта самара берди. Бир томондан, уларнинг кичик ёшдан бошлаб ҳар томонлама ривожланиши учун яхши имкониятлар яратилди. Иккинчи томондан, минглаб аёллар бола парвариши билан машғул бўлиб уйда ўтириш мажбуриятидан бир оз қутулиши, ўз қобилиятини намоиш қилиши, оила бюджетига қўшимча даромад келтириши мумкин бўлди. Фарзанди болалар босчасида бўлгани учун бўш вақти кўнайди. Уй-рўзгор ишларидан ташқари, катта фарзандлари тарбияси билан ҳам шуғулланиш имконияти пайдо бўлди. Натижада оилада муҳит янада яхшиланади.

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда фуқаролар соғлиғи ҳақида қайғуриш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришға ҳам эътибор берилмоқда. Бунинг учун стадион ва спорт майдончалари, югуриш ва велосипед йўлақлари қуришдан тортиб, то соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича умуммиллий ҳаракат иштирокчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш учун ҳам шароит яратилди. Халқ саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом авлодни шакллантириш билан боғлиқ бу ишлар энг юқори даражада мувофиқлаштирилиши белгилан олindi. Бундай тадбирлар айни пайтда — пандемия даврида ўта муҳим. Негаки, карантин қоидалари одамларнинг ҳаракатчанлигини чеклаб қўйиб, саломатлиғига ноҳўй таъсир кўрсатиши ҳам мумкинда.

2017 йили юртимизда 5 минг 211 та богча фаолият юритган бўлса, жорий йилда бу рақам — тасаввур қилинг — 19 минг 316 таға етди. Давлат-хусусий шериклик механизмилари ҳақида олавий богчаларнинг жорий этилиши, бир қатор имтиёзлар берилиш туфайли 13 мингдан зиёд нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу ислохотлар натижасида биз мактабгача таълимға қамров даражасини 67 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 72 фоизға етказишға эришдик.

Янги туроғи таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, иқтисолашган мактаблар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Биринча 2020 йили оладиган бўлсак, юртимизда математика фани бўйича 56 та, кимё-биология фани бўйича 28 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 14 та ана шундай мактаблар ташкил этилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан

Ёшларға муносабат кескин ўзгарди. Бу бежиз эмас, чунки бугун бошланган янгилаш жараёнларини давом эттириш айнан ҳам қўлида. Демак, ёш авлодни Ватанға муҳаббат, халқига садоқат, миллий анъана ва қадриятларға ҳурмат руҳида тарбиялаш, ҳалол ва меҳнатқаш, адолатли, ўз қарорлари учун жавоб бера оладиган мутахассислар қилиб етиштириш ҳар қанонгидан ҳам муҳим. Президентимиз томонид



ХУСНИДДИН НОРБЕКОВ — ИККИ КАРРА ПАРАЛИМПИА ЎЙИНЛАРИ ЧЕМПИОНИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда Токио шаҳри мезбонлик қилаётган XVI ёзги Паралимпия ўйинларидан навбатдаги хушхабар келди.

Маҳоратли спортчимиз Хусниддин Норбеков пара-енгил атлетика бўйича мусобақада галаба қозониб, делегациямиз ҳисобига навбатдаги олтин медални қўшиб қўйди. У F35 классда эркаклар ўртасида ядро улоқтириш бўйича финал баҳсларида қатнашиб, 16:13 метр натижани қайд этди. Мазкур кўрсаткич унга олтин медални тақдим қилди. Шу тариқа Хусниддин икки карра Паралимпия ўйинлари чемпиони-га айланди. У бундан беш йил

муқаддам Рио-де-Жанейро (Бразилия) шаҳрида ўтказилган нуфузли мусобақада ҳам ғолибликни қўлга киритганди.

Навбатдаги кун якунларига кўра, Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобидаги медаллар сони 16 та — 6 та олтин, 4 та кумуш ва 6 та бронзага етди. Айни пайтда юртимиз спортчилари медаллар жамғариш бўйича умумжамоа ҳисобида 16-погонани эгаллаб турибди.

«Халқ сўзи».

fido-biznes

«FIDO-BIZNES» компанияси жамоаси азиз ватандошларни, ҳамкорларни ва ҳамкасбларни республикаимиз Мустақиллигининг 30 йиллиги билан табриқлайди!

Барчага мусаффо осмон, мустаҳкам соғлиқ, омад ва муваффақият ёр бўлишини тилайди. Мамлакатимизда барқарор тинчлик, бирдамлик, фаровонлик, бахт-саодат абадий бўлсин!



Asakabank



Азиз юртдошлар!

«Асака банк» акциядорлик жамияти сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий муборакбод этади! Бу байрам халқимизнинг озодлиги, Ватанимизга муҳаббат ва ҳурмат, мамлакатимиз фуқароларининг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлигининг рамзидир. Ушбу нуфузли кунларда сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилаймиз. Ҳар бир хонадонда, оилада тинчлик-фаровонлик ва осойишталик ҳукм сурсин. Ҳаётингизнинг ҳар дами қувонч, янги ютуқлар ва имкониятларга тўла бўлсин! Байрамингиз муборак бўлсин!

Хурмат билан
«Асака банк» АЖ жамоаси.

TURON BANK | 30 йил

1 сентябрь ~ Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллик куни

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки
жамоаси халқимизни Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 30 йиллиги билан қизғин
қўтлайди!

Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу
ишларингизда омадлар тилайди. Юртимизни
тинчлик, қалбларимизни шукроналик туйғулари
асло тарк этмасин.

Тинчлигимиз барқарор,
ҳаётимиз фаровон бўлсин!



www.turonbank.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 31 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг отказиб берилиши учун оқушни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.35 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6